




“Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз”.

Шавкат Мирзиёев

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши
ички “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.



КОМПЛАЕНС (compliance – инглиз тилидан) мувофиқлик, риоя қилиш, талабларни бажариш маъносини англатади.

“Коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс-назорат”) тизими – бу давлат ва хўжалик бошқаруви органи, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг ходимлари фаолиятини коррупцияга қарши кураш халқаро стандарт ва тавсияларига, миллий қонунчилик ҳужжатларига ва ички мейёрларга мувофиқлигини таъминлашга ҳамда коррупциявий хавфли фаолият соҳаларини аниқлашга, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат тизим”.


Комплаенс-назорат тизими илк бор АҚШда **1906 йилда вужудга келди.**

Бу тизимнинг киритилишига мамлакат иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йирик компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши сабаб бўлди.

COMPLIANCE

Бугунги кунда коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими 150 дан ортиқ мамлакатлардаги компанияларида жорий этилган (*масалан, Volkswagen (Германия), Samsung Group, Hyundai Motor Co. (Корея Республикаси), BAE Systems (Буюк Британия), Panalpina World Transport (АҚШ) ва бошқалар*).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони



Мазкур Фармон асосида 2019 йилда Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда устав жамғармасида давлат улуши 100% ёки 50% дан юқори бўлган фаолияти хорижий бозор билан интеграциялашган хўжалик юритувчи субъектлар (“Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзавтосаноат” ва бошқа акциядорлик жамиятлари) фаолиятида тажриба сифатида илк бор **комплаенс-назорат тизими** жорий этилди.



ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ МАҚСАДИ

коррупциявий хавф-хатарларни
аниқлаш

коррупциявий хавф-хатарларга
чек қўйиш

коррупциявий хавф-хатарларга имкон
берувчи сабаб ва шарт-шароитларини
бартараф этиш механизмларини
яратиш

Комплаенс назорат тизимини мақсадларига қўйидагилар орқали эришилади:

1) ходимлар фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймаслик бўйича комплаенс маданиятини шакллантириш;

2) давлат ва хўжалик бошқаруви органи, унинг ходимлари фаолиятини коррупцияга қарши курашишга оид халқаро стандарт ва тавсияларга, миллий қонунчилик ҳужжатларига ва ички идоравий мейёрларга мувофиқлигини мониторинг қилиш ва таъминлаш;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органи ва ходимлари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган, лекин содир этилмаган коррупциявий хавфли соҳаларни аниқлаш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш;

4) коррупциявий хатти-ҳаракатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш.



Коррупцияга қарши курашиш комплаенс тизимининг элементлари



I. Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги



II. “Юқоридан қуйига муносабат” – Юқори даражада раҳбарлик намунаси



III. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш



IV. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар



V. Аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралар




VI. Ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш; VII. Мониторинг, назорат ва ҳисобот



VIII. Ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш



I. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАР



“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ”

Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда адлия органлари ва муассасаларининг барча ходимларига қўйидагилар **қатъиян таъқиқланади:**

1) коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиш (*ваъда бериш, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш*)

2) расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш

3) ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш

Адлия органлари ва муассасаларига ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

ҚАРШИ КУРАШИШ УЧУН МАСЪУЛ ШАХСЛАР ВА БЎЛИНМАЛАР

Коррупцияга қарши курашиш бўйича адлия органлари ва муассасалари фаолиятини такомиллаштириш

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги коррупцияга қарши курашиш бўлими

Коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳақорликни олиб бориш ва бошқ.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ



1) «Манфаатлар тўқнашувини бошқариш»;



2) «Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари»



3) «Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш»;




4) «Текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш»



5) «Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар»



6) «Хайрия ва ҳомийлик фаолияти»



7) «Сирли мижоз» тадбири;



8) «Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини видеотаъсирга олиш ва трансляция қилиш»;



9) «Ички ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси»;



10) «Адлия органлари ходимларига маслаҳат бериш».

«СОВҒАЛАР ВА ИШ ЖАРАЁНИДА МЕҲМОНДЎСТЛИК БЕЛГИЛАРИ»

Ходимларга ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан қўйидагиларни қабул қилиш тақиқланади:

- бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам.

Ходимларга уларнинг шахси билан боғлиқ байрамларда (*туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари кун, Халқаро хотин-қизлар кун*) совғаларни беришда риоя қилиниши лозим булган талаблар:

совғалар адлия органлари (муассасалари)нинг камида 3 нафар ходимлари иштирокида берилиши

совға бериш жарёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги

адлия органининг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдордан ошмаслиги керак

«СИРЛИ МИЖОЗ» ТАДБИРИ

хизматларнинг сифати, муддатлари,
шартларига риоя қилиниши


“Сирли миждоз”
тадбири

давлат хизматларини
кўрсатиш жараёнида
қўйидагилар
белгилаб борилади

ходимларининг белгиланган ахлоқ
қоидаларига риоя қилиниши

ходимнинг пора олишга мойиллиги

“ХОДИМЛАРНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ”



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги «**Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**»ги **62-сонли қарори**да таъкидланганидек, Одоб-ахлоқ қоидалари мажбурий бўлиб, унинг қоидалари бузилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ **интизомий ёки бошқача жавобгарликка** (Меҳнат кодексининг 181-моддаси. «Интизомий жазолар») тортиш учун асос бўлиб ҳисобланиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари”га 14¹-14³-бандлари билан тўлдирилди.

Мазкур 14¹-14³-бандларда:

- хизмат вазифаларини бажариш чоғида ходимнинг ташқи кўринишига (*расмийлиги, ҳар томонлама нейтраллиги, вазминлиги ва тартиблиги*);

- ходимларнинг иш вақтида корпоратив (*ишчанлик*) услубига кўра, эркин ҳаракатланиш учун қулай ва касбга мос ҳолда кийиниш талаблари келтирилган.



“Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” 11¹-банд билан тўлдирилди:

Мазкур 11¹-бандда:

“Ходим хизмат фаолияти билан боғлиқ маълумотларни оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали ёхуд бошқача усулларда таркатмаслиги лозим, ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар бундан мустасно.

Агар таркибий бўлинма раҳбари ёки бошқа мансабдор шахс томонидан ходимнинг хизмат вазифасига кирмайдиган топшириқ берилганда, ҳар қандай босим ва иш фаолиятига тўсқинлик қилинганда, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бошқа ҳолат содир этилганда, ходим бу ҳақда дарҳол вазирликнинг Кадрлар бошқармасини, Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимини ёки раҳбариятни хабардор қилиши шарт.”

КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЮРИТИШДА ХОДИМЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЙИДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ



Коррупцияга қарши курашишга оид халқаро стандарт ва тавсиялар («*ISO Compliance management systems — Guidelines*», Буюк Британиянинг 2010 йилдаги «Порахўрлик тўғрисидаги қонуни» (*UK Bribery Act*), *DIN ISO 15489* ҳужжатларни бошқариш халқаро стандартлари (Германия Федератив Республикаси) ва бошқ.)



Миллий қонунчилик ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонуни, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун, Меҳнат кодекси, Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Фуқаролик кодекси, Божхона кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқ.)



Ички мейёрлар (Низом, мансаб йўриқномалари, кўрсатмалар, касбий одоб-ахлоқ қоидалари, процедуралар ва бошқ.)

SERTIFIKAT



«CERT INTERNATIONAL» s.r.o. sertifikatlashtirish organi quyidagi tashkilotning korrupsiyaga qarshi boshqaruv tizimini sertifikatlashtirish tartib-qoidalariga muvofiq o'tkazilgan auditorlik tekshiruvi natijalariga ko'ra quyidagilarni tasdiqlaydi:

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi

O'zbekiston Respublikasi, 100047, Toshkent shahri, Sayilgoh ko'chasi, 5

quyidagi sohada:

yagona davlat huquqiy siyosatini yuritish, shu jumladan:

- huquq ijodkorligi faoliyatini muvofiqlashtirish va samaradorligini oshirish;
- davlat boshqaruvi tizimining samaradorligini tahlil va monitoring qilish;
- davlat organlari faoliyatida huquqni qallosh amaliyatini izchil va bir xilda ta'minlash bo'yicha choralarni amalga oshirish;
- nodavlat notijarat tashkilotlarining faoliyatini rivojlantirish sohasida davlat siyosatini amalga oshirish;
- ma'muriy tartib-taomillar sohasini takomillashtirib borish;
- davlat organlari va tashkilotlarining yuridik xizmatlari faoliyatini muvofiqlashtirish, nazorat qilish va uslubiy ta'minlash;
- huquqiy targ'ibotni amalga oshirish;
- huquqiy xizmat ko'rsatish tizimining samarali faoliyat ko'rsatishini ta'minlash;
- inson huquqlarini himoya qilish, shuningdek jismoniy va yuridik shaxslarning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qiladigan samarali fuqarolik-huquqiy mexanizmlarni joriy qilish;
- huquqiy ta'limni tashkillashtirish, yurisprudensiya sohasidagi tadqiqotlarni amalga oshirishni va sud ekspertlik faoliyatini rivojlantirish;
- xalqaro va xorijiy tashkilotlarda O'zbekiston Respublikasi manfaatlarining huquqiy himoyasini ta'minlash;
- xalqaro-huquqiy hamkorlikni yo'lga qo'yish va mustahkamlash, xalqaro shartnomalarni huquqiy ekspertizadan o'tkazish;
- siyosiy-huquqiy sohaga oid xalqaro reyting va indekslarda O'zbekiston Respublikasining o'rini oshirish bo'yicha choralar ko'rish

ISO 37001:2016

standart talablariga muvofiq deb topildi

Sertifikat №: ABMS-0290/A
Buyurtma №: 1077/01
Berilgan sana: 07.09.2020
Amal qilish muddati: 06.09.2023
Yillik nazorat auditini o'tash sharti bilan

Sertifikatlashtirish organi
rahbari
07.09.2020



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ



Коррупцияга қарши ички назорат тизimini жорий этиш натижасида, қўйидагиларга эришилади:

1) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг ходимлари фаолиятининг умумэътироф этилган коррупцияга қарши курашишга оид халқаро стандартлар ва тавсиялар, миллий қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги таъминланади;

2) коррупциявий хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа турдаги таҳдидлар тезкорлик билан аниқланади ва олди олинади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органи, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлиги оширилади;

4) ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажарилиши таъминланади;

5) давлатнинг моддий маблағларидан қонуний фойдаланилади ва улар тўғри тақсимланади;

6) раҳбарият ва ходимларнинг ҳуқуқий ва бошқа ҳимояланганлигига ишончи ошади;

7) давлат ва хўжалик бошқаруви органининг обрўси сақланали ва нуфузи юксалиб боради.

9 декабрь – халқаро коррупцияга
қарши курашиш куни

Эътиборингиз учун раҳмат!